

**PREPARING CHILDREN FOR SCHOOL THROUGH DESCRIPTIVE
ACTIVITIES**

F.U Pulatov

Senior Lecturer of the Institute for Retraining and Advanced Training of Directors and Specialists of Preschool
Education Organizations

ABSTRACT

The article describes the methodological foundations of the process of preparing children for school for classes in the visual arts in preschool education, an overview of visual activities, works of art, illustrations, types of fine arts in school, color painting, graphics, sculpture and arts and crafts

INTRODUCTION

Сўнги йилларда Республикамизда мактабгача таълим тизимига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида”ги 5198 - Фармони кўра, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Шу боис энг яхши халқаро тажрибалар асосида тизимдаги дастурий ва ўқув-методик таъминотни такомиллаштириш мақсадида мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурати пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Бошланғич таълимга болаларни мажбурий бир йиллик тайёрлашга босқичма-босқич ўтиш бўйича чора-тадбирлар ҳақида”ги 999-сонли қарорини ижро этиш доирасида Республикамиз ўз зиммасига 6-7 ёшли болаларнинг мактабга тўловсиз мажбурий бир йиллик тайёргарлиги бўйича мажбуриятни олди. Мактабгача таълим ташкилотларида 6-7 ёшли болаларни ҳар томонлама ривожлантириш, уларга таълим-тарбия бериш ва мактабга тайёрлаш мақсадида “Илм йўли” дастурини ишлаб чиқиш ҳамда уни тасдиқлаш зарурати пайдо бўлди ва мактабгача таълим вазирлигининг ташаббуси билан “Илм йўли” вариатив дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастур мактабгача таълим ташкилотлари учун мўлжалланган бўлиб “Илк қадам” Давлат ўқув дастури, Ўзбекистон Республикасида илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари, “Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур” ҳамда мактабгача таълимни ривожлантириш Концепцияси асосида ишлаб чиқилди.

“Илм йўли” вариатив дастури боланинг тўлақонли ривожланиши, тарбияланиши ва ўқишини, унинг мактабда таълим олишга самарали тайёрланишини таъминлашга қаратилган, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича халқаро тажрибаларнинг ҳисобга олиниб, ишлаб чиқилган ҳужжат бўлиб саналади.

Ўқув-тарбия фаолияти “Ўзбекистон Республикасида илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари” асосида амалга оширилади.

Мактабгача таълим ташкилотлари ўқув ва тарбиявий фаолияти ўқув йиллари бўйича ташкил этадилади. Ўқув йили ҳар йилнинг 2-сентябридан бошланади ва 31 майгача давом этади.

Тўлиқ ва нотўлиқ тайёрлов гуруҳлари ўқув-тарбиявий жараёни ҳафтасига 15 соатдан кам бўлмаган ҳажмда ташкил этилади.

6-7 ёшли болаларни мактабга мажбурий бир йиллик тайёрлаш бўйича гуруҳлар давлат мактабгача таълим ташкилотлари базасида, мактабларда, маҳаллий ҳудудлар (маҳаллалар)да, мактабгача таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар базасида, шу жумладан, оилавий мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этилиши мумкин.

Мазкур гуруҳлардаги болаларнинг рўйхати мактабгача таълим ташкилоти жойлашган ҳудудга бириктирилган мактабгача таълим ташкилотларининг ходимлари ҳовлима-ҳовли, хонадонма-хонадон юриб, кўриб чиқишлари орқали шакллантирилади [1].

Мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этилган машғулотларда, болаларни мактабда муваффақиятли ўқиб кетишлари учун зарур бўлган вазифалар ҳал этилади. Мактабгача таълим ташкилотларида олиб бориладиган тасвирий фаолиятнинг расм, аппликация, лой ишлари каби таълимий жараёнларида болалар фикр юритишнинг таҳлил, синтиз, такрорлаш, конкретлаштириш каби таълимий ўрганадилар. Шунингдек, бу жараёнларда болалар жамоада ишлашга, ўз ҳаракатини ўртоқларининг ҳаракатига бўйсиндиришга ўрганадилар. Болалар боғчасида тасвирий фаолият машғулоти болаларда, ўқув фаолиятида зарур бўлган малака кўникмаларни шакллантиради.

Булар: топшириқни тинглаш ва ёдда тутиш маълум вақт орасида бажариш, ўз ишини режалаштириш ва баҳолашга, бошланган ишни охирига етказишга, хато ва камчиликларини топишга ва уни тузатишга, таълим жараёнида қўлланиладиган ресурслар ҳамда иш жойини тартибда саклаш ва бошқалар.

Педагогларнинг олиб борган текширишлари шуни кўрсатадики болалар боғчасида таълим-тарбиянинг бундай тизими болаларни мактабга тайёрлашга таъсир кўрсатади.

Мактабгача таълим ташкилотларида тасвирий фаолияти машғулотларда болалар асосан амалий иш бажарадилар, санъат асарларини билан расмга қараб хикоя қилиш китобдаги иллюстрацияларни кўриб чиқиш процессида танишадилар, мактабда тасвирий санъатнинг турлари рангтасвир, график, ҳайкалтарошлик ва декоратив санъат асарлар билан янада чуқурак танишадилар [5]. Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишга қўйилган давлат талаблари асосида ривожланиш соҳалари асосида кўрсатиб ўтилган.

Ижодий ривожланиш

Кичик соҳа: Дунёни бадий тасаввур этиш

Талаб: Бола турли хил санъат воситаларидан фойдаланиб, дунёни ҳис этиш ва тушунишини намоён этиши.

Кутилаётган натижа:

3-4 ёш	4-5 ёш	5-6 ёш	6-7 ёш
<ol style="list-style-type: none"> 1. Расм, ўйинчок, халқ амалий санъати асарлари объектларини ўрганишда эмоционал таъсирланади 2. Табиат кўринишлари, ўйинчоқлар, болаларнинг кийимларидаги ранглар гўзаллигини сезади 3. Тасвирий санъат элементларидан фойдаланади 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ўзбекистон халқ амалий санъати ҳақида илк тушунчага эга (Сўзана, керамика) 2. Санъатга тегишли касбларнинг айримлари ҳақида тушунчага эга (рассом, бастакор, актёр) 3. Айрим санъат турлари ва жанрларини фарқлайди. (қўшиқ, рақс, мусиқа, шеърят, топишмоқ, расм, ҳайкалтарошлик) 4. Айрим меъморий қурилмалар ҳақида тушунчага эга (яшаш жойи ва жамоат жойи) 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Амалий санъати турлари ҳақида бирламчи тушунчага эга 2. Шахсий лойиҳалар яратишда ғоялар билдиради 3. Табиий материаллардан қўл ишлари ясайди 4. Кийимларни безаши, гулдасталар тузиши, содда рецепт асосида таом тайёрлаши мумкин 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Тасвирий санъат турларини фарқлайди

Кичик соҳа: Бадий-ижодий қобилиятлар

Талаб: Бола атрофдаги борлиқни иждодий ўзгартириш малакасига эга.

Қутилаётган натижа:

3-4 ёш	4-5 ёш	5-6 ёш	6-7 ёш
<ol style="list-style-type: none"> 1. Тасвирий материаллар номини билади ва улардан тўғри фойдаланади 2. Содда композициялар, алоҳида буюмларни чизади 3. Тасвирланаётган буюмга мос рангларни танлайди ва бўйайди 4. Пластиндан содда шаклларни ясайди 5. Тайёр шакллардан предметлар тасвирини яратади, турли шаклли қоғозлардан тайёрланган безаклар билан безатади 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Предметлар шаклини аниқ кўрсатган ҳолда деталларга бой тасвирлар чизади 2. Сюжетли расм, предмет ва персонажларни чизади 3. Шаклларни турли техникалар ёрдамида бўйайди 4. Лой, хамир ва пластиндан нарсалар ясайди 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Мураккаб предметлар чизади ва уларни безакли нақшлар билан ясатади (чойнақ, гилам, рўмол, лаган) 2. Хотира ва тасаввурга кўра сюжет яратади 3. Қоғоздан ва табиат материалларидан аппликатив безаклар (табриқномалар, хатгўшлар) яратади 4. Мухит ёки ўз лойиҳаларини безатади 5. Кесиш, йиртиш, тахлаш йўли билан шаклларнинг туриши, ўрни ва ҳаракатларини ифодалаган тарзда кичик сюжетлар яратади 6. Жамоавий лойиҳаларда ғоялар таклиф этади 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Турли предметлардан композициялар яратади 2. Ғоя яратади ва тадбиқ этади 3. Мақсадга эришишда ўриндош сифатида турли предметлар қўллайди 4. Оламни ўзгартиришда инсоннинг яратувчи ролини англайди 5. Буюмларни иккиламчи қўллашда ғоялар таклиф этиши мумкин

Мактабгача таълим ташкилотларида тасвирий фаолияти машғулоти хилма-хилдир, расм, мазмунли декоратив ва лой аппликация машғулоти. Мактабгача таълим ташкилотларида машғулотларнинг ҳаммасига катта аҳамият берилади. Мактабда эса тасвирий санъат дарсларида расм (натурага қараб) мавзу асосида ва декоратив турлари ўтказилади. Бунда предметли расм бўйича натурага қараб расм чизиш ўқув предмети аҳамиятига эга бўлади. Лой аппликация, қуриш-ясаш бўйича амалий ишлар мактабда қўл меҳнатига киритилади. Бошланғич синф тасвирий санъат дарсини тахлили шуни кўрсатадики, предметли, расм бўйича ўқув вазифаларини анча мураккабли киритилишдан ташқари болалар боғча дастури бўйича айрим такрорлаш ишлари киритилди. 1-синфда болалар доира, квадрат, тўртбурчак, овал каби тузилишга эга бўлган предметларни аниқлашга ўрганадилар, болалар олдига боғчада қўйилган вазифа расм чизиш техникасини эгаллаш бўйича қўйилади. Бунга сабаб, ҳамма

болалар боғчадан мактабга келмайдилар ва шу сабабли болалар билан ишни мактабга келгунча тайёрлов гуруҳда олган билимларидан бошлаш лозим[2].

Мавзу асосида расм чизиш мактабгача таълим ташкилотида ўтказиладиган мазмунли расмни давоми сифатида ўтказилади. Болалар теварак-атрофдаги ҳодиса ва предметларни кузатиб, кўриб чиқадилар, сўнг хотираларига асосланиб, уларни чизадилар. Ўқувчилар объектлар ўртасидаги мазмунли боғланишларни тасвирга узоқдаги предметларни кичиклаштириб тасвирлайдилар. Декоратив расм бўйича мактабда техник тартиблар бўйича вазифалар кўйилади, яъни нақш тузилиши кетма-кетлигида тасвир билан биргаликда ёрдамчи чизиклардан фойдаланиш ва ўз ихтиёрларида ҳалқ амалий декоратив санъат элементларида фойдаланишга санат ҳақида ўтказиладиган дарс суҳбат жараёнида ўрганадилар. Болаларни тасвирий санъатга ўргатиш методларидан болаларни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш керак. Катта мактабгача ёшидаги болалар ва кичик ўқувчиларининг иш хусусиятлари ўртасида кўп яқинлик бор. Шунинг учун у ёки буларни ўргатиш методикаси ўртасида ҳам кўп ўхшашлик бор. Мактабда ўқитувчининг расмни бази бир элементини кўрсатиш ва шу жараёнида тушунтириш тарбиячининг иш усулларини кўрсатиб беришга яқин туради. Мактабда ишнинг кетма-кетлиги тартибли кўринишда бўлади. Агар тасвирланаётган предметнинг тузилиши содда бўлса, тартиб тушинрилгандан сўнг, ўчириб ташланади. Агарда мураккаб тузилишга эга бўлган предметни тасвирланганда эса, ўқитувчининг доскада кўрсатиб бериши билан кетма-кет тасвирланадилар. Ўқитувчи предметининг умумий контурини қаламнинг учи билан енгилгина белгилаб чиқиш, унинг кенглигини баландлигини ҳам белгилаб кўрсатади. Сўнг ўқувчи предметини хомаки расми билан натурани солиштириб унинг қисмларини, шаклини аниқлайди, тузатади. Иш жараёнида кўрсатиш ва таҳлил қилиш учун расмлар тўплами, болалар китобчаларидаги рангли расмлар, шунингдек, ўқув ҳарактерига эга бўлган алоҳида расмларидан фойдаланади. Расм бўйича ўтказиладиган ҳар бир дарс ўқитувчининг суҳбатидан ва расмни нимадан бошлаш кераклигини тушунтиришдан бошланади. Ишни амалий бажарилишга ўтишда ўқитувчи болаларининг тартибли равишда чизиши ва қоида ва йўлларни эслатиб туради. Катта боғча ёшидаги болалар ва кичик мактаб ўқувчиларининг ишига ёки расмига кўйилган талаблар бир бирига жуда яқин.

Болалар ишини таҳлил қилишда диққатни предметлар нисбатлари, конструкцияси, қисмларининг боғлиқлиги, ранг ва композицион тузилишига этибор бериш лозим. Шундай қилиб бошланғич синфларда таълим-тарбия масалаларининг муваффақиятли ҳал этилиши, болалар боғчасида олиб бориладиган тасвирий фаолияти машғулотлари билан узвий равишда олиб борилади. Болаларни мактабга тайёрлаш мактабгача таълим ташкилотида амалга оширилади. Мактабгача таълим ташкилотида катта гуруҳдаги кузатишлар бўйича расм чизишга катта этибор берилади, чунки бу нарса болаларни натурага қараб расм чизишга тайёрлашда босқич ҳисобланади. Бу нарса болаларда кўриш хотирасини ривожлантиради, баъзида буюмлар болаларда натура сифатида тўғри тасвир чизишга ёрдам беради. Болалар гуруҳда олиб бориладиган тасвирий фаолият машғулотларида, қаламдан, мўйқаламдан эркин фойдаланишга ўз ҳарактерини ва қўл кучини идора этишга ўрганадилар[4]. Бу малакани эгаллаш, болаларда қўлини енгил, эркин бир текисдаги ҳаракат қилиш хусусиятларини ривожланади. Болалар турли шаклдаги, катталиқдаги, турли пропорциядаги предметларни чизиш процессида предметнинг иш хусусиятига қараб йўналишни сақлаш зарурлигига, ҳаракатини, предметнинг узунлигига мос равишда ҳаракатланишга ўрганадилар. Мактабгача таълим ташкилотида олиб бориладиган тасвирий фаолияти материалдан тоза ва тартибли фойдаланишга ўрганадилар, уларни тоза сақлашга фақат зарур

материаллардан фойдаланишга, уларни ишлатиш йўллари режалаштиришга ўрганадилар. Бу машғулот болаларда диққатни, кўриш хотирасини ривожлантиради. Болалар боғчасининг тайёрлов гуруҳида натурага қараб расм чизиш ёки тасвирга нисбатан талаблар ошади ва бу талаблар мактаб талабига яқинлашади. Болалар натурани таҳлил қилишга бутун умумий формани хомаки қоғозга тушириб олишга, расмни натурага солиштиришга, хато ва камчиликларини тўғрилашга, натурага ўхшатишга уринадилар[3]. Натурага қараб тасвирлашда ишнинг кетма-кетлигини кўрсатиб ўтиш, мактабгача таълим ташкилотининг тайёрлов ва катта гуруҳида ўрганишнинг бошланғич босқичидагина амалга оширилади. Кўрсатишдан доимо фойдаланиш, болаларни расмни механик равишда ишлашга одатлантириб қўяди.

Болаларни тасвирий фаолият машғулотлари геометрик шаклларни кўра олишга, уларни терминлар билан аташга, кенглиги-катталиги, узунлиги, баландлигини, қисмларнинг бир-бирига нисбатан фазовий жойлашишини билан танишишни болаларни мактабнинг 1-синфда элементар математик тушунчаларини пухта эгаллашларига ёрдам беради. Мактабгача таълим ташкилотида қуриш, яшаш болаларда кўз билан чамалашни шакллантиради ва болаларни мактабдаги техник дарсларни эгаллашга ёки ўзлаштиришга ёрдам беради. Мактабгача таълим ташкилотининг катта гуруҳидаги натурага қараб расм чизиш машғулотларда мантиқий фикр юритишга, кузатишга асосий ажратиб кўришга буюмларни фазовий хусусиятларини таҳлил қилишга ўзлари мустақил равишда тасвирий воситаларини танлашга ўрганадилар. Буларнинг ҳаммаси эса мактабда ўқиш жараёнида зарурдир.

Шундай қилиб, болаларни тасвирий фаолият машғулотлари орқали мактабда ўқишга тайёрлаш, уларда ахлоқий, эстетик бадиий дид ва ижодий қобилиятларини ўстиради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Илм йўли” Вариатив дастурига 1-илова, “Бошланғич таълимга болаларнинг мажбурий йиллик тайёрлаш бўйича гуруҳларда ишловчи педагоглар учун тавсиялар”.
2. Хасанбоева О.У ва бошқалар. Оила педагогикаси.//Дарслик Т.: -«Aloqachi» 2007.
3. Мактабгача тарбия педагогикаси. В.И.Логинова, П.Г.Саморуковалар таҳрири остида. Т.: Ўқитувчи. 1991.
4. Болалар боғчасида эстетик тарбия (Н.А.Ветлугина таҳрири остида). Т., Ўқитувчи, 1981.
5. Ш.Хасанова -Тасвирий фаолият методикаси маруза матн 2012 й